



Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 19 август, № 163 (4826)

Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 август куни Оқсаройда АҚШ Куролли кучлари Марказий Қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари билан муносабатлари янада ривожлантиришга муҳим аҳамият беришни ҳамда ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқли шериклик тамойиллари асосида икки ва кўп томонлама самара-

ли ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади. Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ишларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз

худуди орқали Афғонистонга ноҳарбий ва гуманитар юклар етказиб берилмоқда. Д. Петреус самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди ва АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. У шунингдек, Афғонистонда барқарорликни мустақамлаш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга Ўзбекистон муҳим ҳисса қўшаётганини қайд этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг истиқболга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)
Сарвар ҲУРОНОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонлини муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқ номига кўплаб хорижий мамлакатларнинг нуфузли давлат арбоблари, сиёсатчилари, ижтимоий ва иқтисодий доиралари вакилларида кутловлар келмоқда.



БАЙРАМ ТАБРИКЛАРИ

Жумладан, Кортрейк шаҳри (Бельгия) бургомистри Л. Либеернинг табриғида шундай дейилади:

— Кортрейк ва Ўзбекистон пойтахти Тошкент ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шаҳарларимизнинг ишбилармон доиралари ўртасида ҳам алоқалар мавжуд. Ўзбекистон ва Кортрейк шаҳри Савдо-саноат палаталари ўртасида учрашувлар ўтказиб турилади, бизнинг бир неча компанияларимиз сизнинг мамлакатингиз ишбилармон доиралари билан яқин алоқалар ўрнатган. Умид қиламанки, яқин келажақда биз Ўзбекистоннинг жамоатчилик, маданий ва ишбилармон доиралари билан алоқаларимизни янада мустақамлашмоқчимиз. Ўзбекистон халқини мамлакатингиз мустақиллигининг 18 йиллиги, шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан табриқлашга ижозат бергайсиз. Ўртингизга янада раванқ тилайман, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда янгидан-янги юқори кўрсаткичларга эришишингизга тилақдошман. Аминманки, бизнинг муносабатларимиз бундан бундан ҳам мустақамлашмоқчи ва кенгайишда давом этаверади.

Лондон Вестминстер университети қошидаги Дипломатия академияси директори, профессор Набиля Айд:

— Ўзбекистонга бир неча бор сафарим чоғида юртингиз ва унинг меҳмондўст халқи ҳақида бир олам таассурот олдим. Шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университетининг фахрий доктори унвонини олиш шарафига лойиқ топилдим. Бундан ташқари, Лондондаги ушбу академияда кўплаб ўзбек дипломатларига дарс бериш ва Тошкентда маърузалар ўқиш бахтига сазовор бўлдим. Тошкентда халқаро Вестминстер университети филиалини тузишда иштирок этдим.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан самимий табриқлайман.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатда барқарорликни, суверенитет ва ўзбек давлатчилигининг худудий яхлитлигини таъминлашдаги улкан ҳиссаси, шунингдек, давлат раҳбарининг хавфсизликни таъминлаш борасида минтақа миқосида ва минтақа сарҳадларидан ташқарида тутган ўрнини алоҳида қайд этмоқ лозим.

Президент Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари" китоби менда катта таассурот қолдирди.

Президентнинг вазиятни чуқур англаши ва дунёнинг деярли барча мамлакатларига таъсир этган жиддий муаммоларни ҳал этишда узоқни кўра билиши туфайли, у жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини камайтирган ҳамда унинг оқибатларини юмшатган комплекс чора-тадбирларни қўлашга эришди.

Шу ўринда Президент Ислам Каримовнинг таълим соҳасида ишловлар ва илмий тадқиқотларни ўтказишда эришган ютуқлари ҳамда гамжўрлигини алоҳида қайд этишни истардим. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва умумбашарий илмий жараёнга таъсир этган буюк ўзбек олимларининг ишларини давом эттириш каби масалалар унинг асосий вазифалари сирасига кирди.

И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети ректори, профессор Виктор Мартин:

— Университетимизнинг Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлари доимо ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни мустақамлаш тамойилларига асосланган. Биз аник мақсадни қўлашда, яъни, мамлакат фаровонлиги, унинг саноатлашган тараққиёти, хусусан, Ўзбекистоннинг нефть ва газ саноати раванқи йўлида биргаликда фаолият юритамиз.

Олий ўқув юртимизнинг муҳим вазифаларидан бири, Ўзбекистоннинг етакчи саноат тармоқларидан бири — нефть ва газ саноати учун юқори мутахассислар тайёрлашдан иборат. Сўнгги йилларда ҳамкорлигимиз

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси олдидан ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШУВИ — ДАВР ТАЛАБИ

Авал хабар қилганимиздек, шу йил 28 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси Тошкентда ўз ишини бошлади. Сенатнинг бу галги ялпи мажлиси муҳокамага ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган унлаб қонунлар киритилган. Уларнинг орасида «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам бор. Мухбиримиз парламент юқори палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М. РАЖАБОВдан айнан ушбу қонунларнинг мақсад ва моҳияти, аҳамияти хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Энг аввало, мазкур қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун қўмитамиз қошида ишчи гуруҳи тузилди, — дейди Мавжуда Абдуллаева. — Қонун ҳужжатларини мукамал ўрганиш, уларнинг ҳар бир бандида ҳаётлиқни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳи таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари, шунингдек, Тошкент давлат юридик институтининг ҳуқуқшунос олимлари киритилди. Ишчи гуруҳи аъзолари ўз хулосаларини берди. Жиддий баҳо-мунозаралар асосида қонунларимиз пухта ўрганиб чиқилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини олиб кўрайлик. Бу ҳужжат қўйи палата томонидан 2009 йил 24 июнда қабул қилинган ҳамда кўриб чиқилиши учун 2009 йил 1 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Се-

натига белгиланган тартибда тақдим этилган. Янги қонун энергия турларидан оқилана фойдаланиш, хусусан, электр ва иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш йўли билан бундай гайриқонуний ҳолатларни камайтиришни ҳамда жиноят ва маъмурий қонун ҳужжатларидаги тегишли камчиликларни бартараф этишни мақсад қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 185-моддаси номининг амалдаги таҳририда электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 185-моддаси учала қисмининг диспозицияси газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлик ёхуд ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказганлик ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгариштириш мақсадида уларга ташқаридан аранлашганлик учун жавобгар-

(Давоми 2-бетда).

ИЗЧИЛ СИЁСАТ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигининг 18 йиллигини қаршиламоқда. Ҳар бир йил муҳим тарихий сана ва босқич сифатида ортада қолди. Жорий йил эса глобал молиявий-иқтисодий инқироз чуқурлашган шароитда чекмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг беқийс куч-ғайрати ва азму шижоати билан нафақат инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш, балки инқироздан кейин иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ўтган йили бошланган молиявий-иқтисодий танглик кейинги бир неча ўн йиллик давомида юз берган энг чуқур инқирозлардан бири бўлиб, бутун жаҳонни қамраб олган ҳолда, глобал характер касб этди. Чет эл тадқиқотчилари уни ўтган асрнинг 29 ва 33-йилларида рўй берган "буюк турғунлик" билан тенглаштирмоқдалар. Дарҳақиқат, 1998 йилда Россияда дефолт, ундан олдин ва кейин Лотин Америкасининг қатор давлатларида, Тinch океани Осиё қисми мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқирозлар бўлиб ўтган эди. Лекин улар асосан ўша мамлакат ва минтақаларнинг муаммоси бўлиб, бошқа ҳудудларга кам таъсир кўрсатган эди.

Нима учун энди АҚШда бошланган инқироз бутун дунёга тарқалди? Бунинг иккита асосий сабаби бор. Биринчиси, АҚШнинг дунё ишлаб чиқариши ва истеъ-

молида тутган ўрни билан изоҳланса, иккинчиси, ишлаб чиқариш характерининг жуда катта тезлик билан ўзгариб бораётганлигидир. Зеро, бугунги ишлаб чиқариш ўзининг мазмун ва миқдори билан бундан 10 йил, ҳатто, 5 йил илгаригисидан ҳам катта фарқ қилади. Иқтисодий, маданий ва илмий соҳаларда мамлакатлар, халқлар ўртасида ўзаро боғлиқлик кучайиб бормоқда. Бу жараёнда халқаро меҳнат тақсими ва иختисослашувнинг ривожланиши, трансмиллий корпорациялар, халқаро иқтисодий иттифоқ ва альянслар ўз таъсирини ўтказмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий тизимидаги принципал ўзгаришларга "телекоммуникацион майдон"нинг торайиб бораётганлиги ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Чунки бу ҳолат халқаро молиявий

оқимни тезлаштиряпти. Глобал молия компьютер тури орқали бир қўлдан иккинчисига жуда катта иқтисодий пул суммаси чегара билмай кўчиб ўтиб турибди.

Бундай транзакцияларнинг миқёси бир кунда 1 триллион АҚШ долларидан ошади.

Ҳозирги шароитда трансмиллий корпорациялар иқтисодий глобаллашувнинг асосий механизмларида бўлиб майдонга чиқмоқда. Улар аллақандай жаҳон ишлаб чиқариши ва экспортда етакчи мавқени эгаллаб олишди. Трансмиллий корпорациялар жондор ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ва жаҳон савдосининг учдан икки қисмини бераётгани, халқаро хом ашё бозори деярли уларнинг назоратида эканлиги бунинг тасдиғидир. Кўриниб турибдики, ин-

Мушоҳада

ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикада истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга тижорат банклари томонидан

381 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Амалга оширилган бундай чора-тадбирлар натижасида жойларда истеъмол товарлари, жумладан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортди.

(Давоми 2-бетда).

Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

Бу йилги об-ҳаво шароитида гўза парваришини ҳосил йигимтерини қадрар давом эттириш жуда муҳим. Шу боис биз ишчи ана шу нуқтани назардан туриб ташкил этганимиз. Чунки озгина хотирамлик ҳам қилинган меҳнатни зое кетказиши, бўлғуси ҳосил салмоғига путур етказиши мумкин.

БУГУНГИ МЕҲНАТ — ЭРТАНГИ ДАРОМАД

"Бухоро-6" нави сувсизликка, вильтга чидамли нав саналади. Сифатли тола беради. Агар бу йил сув ҳамда минерал ўғит таъминоти оқилана йўлга қўйилгани назарда тутилса, биздан фақат ишлаш талаб этиляпти, холос. Ҳўзани чеканка қилишда унинг ўсиш нуқтасини олишга эътибор қаратиш.

Шунинг ҳисобидан гўзанин ҳар тулида икки-уч ён шох ҳосил бўляпти. Бу эса 5-6 тадан кўшимча кўсак пайдо қилиш имконини беради. Даламиздаги гўзанин буйи теп-теки, экиннинг говлаб кетишига йўл қўймадик. Ҳар тулида 7-8 тадан тўқ кўсак санаш мумкин. Ҳосил нишончалари кўпаймоқда. Бу экинни "шарбат"

усулида суғориш, жўяларда майин тулроқ ҳосил қилиш, гўза қатор орасига 5-6 марта сифатли ишлов бериш натижаси, албатта. Ҳозир тулроқ намини қочирмасликка, тунги суғоришга

алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Бу гармиселга қарши курашда асқотди.

Жорий йил ҳар гектар майдонда 40 центнердан кўсак олиш ниятида-миз. Жамоамиз бор қуч-ғайратини шу мақсадга қаратган.

Воҳид НОРОВ,
Ғиждувон туманидаги «Учқун-96» фермер хўжалиги раҳбари.

БИАТЛОНЧИЛАРИМИЗ — ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ!

Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор туғайли ҳамюртларимизнинг халқаро мусобақаларда эришган ютуқлари тобора кўпайиб бормоқда.

Жумладан, Чехиянинг Нова Место шаҳрида ёзги биатлон бўйича ўтказилган Европа оқик чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Руслан Носиров ва Анузар Юнусов олтин медаллар билан тақдирланди.

Катталар ўртасидаги бахсларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган самарқандлик Руслан Носиров олти километр масофага оммавий старт баҳсида биринчи ўринни қўлга киритди. Россиялик Александр Качановский ва чехиялик Андрже Моравец иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

Ешлар ўртасида жаззаклик Анузар Юнусов беш километр масофага бўлган мусобақада маррага биринчи бўлиб етиб келди.

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ГОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР

Ҳамюртимиз, соғлиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Арманистоннинг Жермуқ шаҳрида давом эътиборан шахмат бўйича ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқичида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Рустам нуфузли мусобақанинг саккизинчи турида россиялик гроссмейстер Евгений Алексеевга қарши қора доналарда ўйнаб, дуранг натижага эришди.

Ушбу турда фақат украинлик шахматчи Василий Иванчук исроиллик Борис Гельфанд устидан зафар кучишга муваффақ бўлди. Қолган ўйинларда дуранг қайд қилинди.

Саккизинчи турдан сўнг турнир жадалида қўйидагича вазият юзага келган: Иванчук, Лекко — 5,5 очко, Қосимжонов — 5 очко, Алексеев, Эльянов, Карякин, Аромян — 4,5 очко, Гельфанд,

Бахро — 4 очко, Яковенко — 3,5 очко, Чепаринко, Камский, Аюпан — 3 очко, Инаркиев — 1,5 очко.

Рустам Қосимжонов тўққизинчи турда оқ доналарда ўйнади. Биринчи ва иккинчи ўринларда бораётган Василий Иванчук ва Петер Лекко эса мусобақани қора доналарда давом эттирдилар. Бу, ўз навбатида, ҳамюртимиизнинг пешқадам бўлиб олиши учун яхши имкониятдир.

Зўбдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Хоразмлик полвонлар муваффақияти

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўсмирлар ўртасида дзюдо бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда хоразмлик полвонлар — Дилмурод Ҳайитбоев ва Дибёрбек Табибий ўз вази тоифаларида олтин медалларни қўлга киритишди.

Хозирда Урганч Олимпия захиралари коллежи қосидаги махсус мактаб-интернатда таълим олаётган Дилмурод ва Дибёрбек келгусида бундан да нуфузли мусобақаларда совриндор бўлиши мақсад қилишган.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎБ-ҲАВО (19 август)

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзағари турсада, ёгингарчилик бўлмади. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзағари турсада, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзағари турсада, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзағари турсада, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 17-19, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

«Ўзидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси Қўмита аъзоси П. Р. Реймовга оғани

Алтын ДЖУМАНҲАЖОНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзнефгазқазинчиқариш» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва касба уюшмаси қўмитаси «Ўзбекнефгаз» МХКнинг Марказий диспетчерлик ишлаб чиқариш қўмитаси бошлиғи Анвар Норматовга фарзани

РАВШАНЖОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон сабазот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти жамоаси Самарқанд таънч бўлими мудир Шавкат Жабборовга акаси

Раҳимжон ЖАББОРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси жамоаси бош мутахассис Собир РИХСИЕВИЧнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат институти жамоаси «Муслиқий фанлар-вокал» кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Абдуллаевага валидан муҳтарамаси

ҲОЖИБИЙ аниинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

да намоиш этиладиган театрлаштирилган дастур устида иш олиб бораётди. Маросимда қатнашиш учун беш юз нафардан зиёд санъаткор жалб этилган бўлиб, улар юртимиз фольклор жамоалари, макомчилар ансамбллари, театр артистлари, эстрада хонандларидан иборатдир.

Анжуманинг ташкилий масалалари билан боғлиқ ўзига хосликлардан яна бири шундаки, бу гал биринчи бор «Шарқ тароналари» фестивалининг каталоги чоп этилмоқда. Ушбу тўпلامдан тадбир қатнаш-

тироқида фестивалда иштирок этувчилар саралаб олинди. Санъаткорларнинг овоз имконияти, ижрочилик маҳорати ҳамда улар танлаган мавзу йўналишига эътибор қаратилган саралаш жараёнида ҳайратанг аъзолари хулосасига кўра, маком йўналишидаги қўшиқларни маромига етказиш ижро этган андижонлик Адолат Қўлдошева ҳамда Элмурод Аҳмедов ва Фурқат Ашуралиев дуэти фестивалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Анжуманига мавофиқ, фестиваль доирасида Шарқ ва Фарб мусиқасининг ижрочилик анъаналари ва уларнинг бир-бирига таъсири мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилиши ҳам кўзда тутилган. Ушбу анжуманда турли мамлакатлар олимларининг мусиқа санъати борасида тажриба алмашуви, ҳар галгидек, жаҳон мусиқа санъатидаги мавжуд умумо ва ютуқлар муҳокама қилинади.

Анжуманда ўн олти нафар мусиқашунос ўз маърузаси билан иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Самарқанд анжуманига ташриф буюражак кўплаб халқаро форумларнинг директор ва ташкилотчилари иштирокида жаҳон мусиқа санъати муаммоларига бағишланган давра суҳбати ўтказилиши режалаштирилган.

Қисқача айтганда, қадимий ва ҳамisha навиқрон Самарқанд шаҳри яна бир бор жаҳон санъатининг ноёб истеъдод соҳибларига ўз бағрида қорламоқда. Шубҳа йўқки, жаҳон нигоҳидаги ушбу фестивалнинг унутилмас таассуротлари санъат ижросидан қалбидан чуқур жой эгаллайди.

Бақир ЭШМАТОВ, «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивали дирекциясининг ижрочи директори.

«Универсиада — 2010»

Юртимизда спортнинг равиқ топшиши, оммавийлик касб этишига қаратилган чуқурда тизим яратилдики, у эндиликда мактаб ўқувчисидан тортиб, олий ўқув орти талабасигача — барча ёшларни жисмоний камолотга етакламоқда.

Биргина «Унид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларини олайлик. Мазкур беллашувлар ёшларни катта кураш майдонига қорлайпти, маҳорат ва эпчиллигини, жисмоний чиниқлигини оширапти.

Яна бир эътиборли жиҳати, ушбу мусобақалар ўтказилиши асосида мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудлари — вилоятлар, шаҳар ва туманлар марказлари обод ва кўркем қиёфа касб этапти, янги спорт иншоотлари, замонавий стадионлар барпо этилмоқда.

Маълумки, сўлим ва дилбар Андижон келгуси йили ўн минглаб ёшларни соғинтирган, қабларга ҳаяжонли, унутилмас лаҳзаларни муҳрлайдиган «Универсиада — 2010» спорт ўйинларининг республика босқичига мезбонлик қилади.

Айни кунларда бу мусобақага тайёргарлик ишлари кизгин кечмоқда. Андижонликлар «Универсиада» беллашувларини ажойиб тарзда ташкиллаштириш баробарида, беллашувларда юксак натижаларни қўлга киритишни мақсад қилишган. Жойларда-

лари даражасига келтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Чунончи, дастурга киритилган спорт турларига масъул олий ўқув юртлири номи ҳозирдан маълум.

«Универсиада» ўйинларида вилоят шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларнинг акариятини Андижон давлат университети талабалари ташкил этади, — дейди мазкур ўқув даргоҳининг жисмоний маданият факультети декани Сойибжон Ниёзов. — Хозирча улар 45 кишидан иборат. Сузиш бўйича бир неча қарра Ўзбе-

кстон чемпиолари Собит Амиллов, Дмитрий Федотов, Шохруҳ Юнусов, стол тенниси устаси, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Темур Ширiev, енгил атлетика бўйича халқаро мусобақалар голиби Ирина Мороз, шахматчи Фаррух Каримов ва бошқа ўнлаб спортчилардан умдимиз катта.

Шунингдек, мезбонлар баскетбол, волейбол, гандбол бўйича терма жамоаларини шакллантириш, уларни ишончли ўйин кўрсата оладиган, ғалабани таъминлайдиган умидли ёшлар билан тўлдиршига ҳаракат қилишмоқда. Шу мақсадда ўзаро беллашувлар, ўртоқлик учрашувлари ташкил этилаётди. Мамлакатнинг етакчи жамоаларидан бири-

га айланган баскетболчи йигитлар водийнинг энг кучли клублари билан куч синашмоқда. Утган галги «Универсиада» ўйинларида учинчи ўрин билан кифояланган гандболчи йигитлар голиблик шохуспасига қўтарилиши ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган. Кузда спортчилар мамлакат бўйлаб ўртоқлик учрашувларини ўтказиш учун сафарга отланадилар. Шундан сўнг «Универсиада»нинг учинчи босқичида вилоят бўйича голиблар аниқланди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бир туманда икки коллеж

Баҳмал туманида Сангзор кишлоқ хўжалик ҳамда Узунбулоқ маийши хизмат касб-хўнар коллежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Уларнинг ҳар бири 360 ўринга қўнли билим олиб, етук мутахассис бўлиб етиштирилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Эътиборли томони шундаки, замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган ушбу таълим даргоҳларида ўқувчиларнинг тўла-

қили билим олиб, етук мутахассис бўлиб етиштирилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲОРАТ ВА ЭПЧИЛЛИК НАМОЙИШИ

Юртимизда спортнинг равиқ топшиши, оммавийлик касб этишига қаратилган чуқурда тизим яратилдики, у эндиликда мактаб ўқувчисидан тортиб, олий ўқув орти талабасигача — барча ёшларни жисмоний камолотга етакламоқда.

Биргина «Унид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларини олайлик. Мазкур беллашувлар ёшларни катта кураш майдонига қорлайпти, маҳорат ва эпчиллигини, жисмоний чиниқлигини оширапти.

Яна бир эътиборли жиҳати, ушбу мусобақалар ўтказилиши асосида мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудлари — вилоятлар, шаҳар ва туманлар марказлари обод ва кўркем қиёфа касб этапти, янги спорт иншоотлари, замонавий стадионлар барпо этилмоқда.

Маълумки, сўлим ва дилбар Андижон келгуси йили ўн минглаб ёшларни соғинтирган, қабларга ҳаяжонли, унутилмас лаҳзаларни муҳрлайдиган «Универсиада — 2010» спорт ўйинларининг республика босқичига мезбонлик қилади.

Айни кунларда бу мусобақага тайёргарлик ишлари кизгин кечмоқда. Андижонликлар «Универсиада» беллашувларини ажойиб тарзда ташкиллаштириш баробарида, беллашувларда юксак натижаларни қўлга киритишни мақсад қилишган. Жойларда-

«Шарқ тароналари — 2009»

Истиқлол йилларида юртимизда миллий ўзликни англаш, маънавий юксалиш, улуг аждодлардан мерос қадриятларни асраб-авайлаш йўлида эзгу сазай-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Зеро, Юртошимиз раҳнамолигида умумто мусиқа санъатининг доврўғини жаҳонга ёйиш, ижодга меҳр қўйган истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва улар салоҳиятини юзага чиқариш борасида олиб борилаётган хайрли чора-тадбирлар бунинг ёрқин ифодасидир.

ЖАҲОН НИГОҲИДАГИ МУСИҚА АНЖУМАНИ

валда ўзига хос йўналиши, бетакрор истеъдоди ва ижрочилик маҳорати эътироф этишга арзиғулик қўллаб санъаткорлар иштирок этмоқда. Ҳар галгидек, анжуманда Кувайт, Туркия, Озарбойжон, Марокаш, Эрон, Миср, АҚШ давлатларидан, шунингдек, Европа, Африка, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан шакиллари ўз маҳоратларини намоиш этадилар. Қувонарлиси, Коста-Рика, Қатар, Австралия, Иордания, Мексика, Словакия давлатлари вакиллари жорий йилги фестивалда илк бор қатнашиш истагини билдиришди.

Айни кунларда ушбу йирки анжумани юксак савияда ташкил этиш ва ўтказишга кизгин ҳозирлик кўрилмақда. Шаҳар кўчалари, боғу хибонлар, маданий-маърифий масканлар жойлашган бино ва иншоотлар таъмирдан чиқарилиб, тарихий Самарқанд янада мафтункор кўриниш касб этиб бораётди. Тадбирнинг асосий тантаналари бўлиб

ўтгадиган Регистон майдонидаги улкан сахнага ёритиш ва овоз сошлаш усулалари ўрнатилляпти. Шу ўринда қайд этиш жоизки, фестивалнинг асосий тантаналари билан бир қаторда, шаҳарнинг қўллаб диққатга сазовор гўшаларида, шунингдек, Самарқанд вилоятининг қўллаб туманларида иштирокчиларнинг бадий дастурлари намоиш этилишига мўлжаллаб, катта сахналар бунёд этилмоқда. Бундан ташқари, Сиеб бозори ва Бибиҳоним мадрасаси жойлашган ҳудудда капитал таъмирлаш жараёнида ниҳоясига етиш арафасида турибди.

Ўз навбатида, нуфузли фестивалнинг тантанали очилиши ҳамда ёпилиш маросимининг кўна Регистоннинг муҳташам қиёфасига монанд тарзда сахналаштирилишига санъат усталари кизгин ҳозирлик кўрмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев бошчилигидаги ижодий гуруҳ фестивалнинг тантанали очилиш маросими-

чилари ҳақида батафсил маълумотлар ўрин олган бўлиб, бу анжуманда иштирок этаётган санъаткорлар номини янада кенг танитишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бундан ташқари, аввалги фестиваллар ҳақида хўжа қилувчи рангли журнал нашр этиляпти ва унинг қатидан «Шарқ тароналари» фестивалининг қизқарли лавҳалари муҳрланган DVD диск жой олган.

Маълумки, «Шарқ тароналари» фестивали юртимиздаги қўллаб истеъдод соҳибларини кашф этишга хизмат қилиб келмоқда. Зеро, ҳар галги фестивалда янгидан-янги номлар аниқланиб, қўллаб ижодкорлар лауреатлик диплоллари, ЮНЕСКОнинг махсус диплом ҳамда сертификатлари билан тақдирланган. Бу сафар ҳам шундай нуфузли анжуманда ўз ижодий салоҳиятини кенг намоён этишга қодир ижодкорларни таллаб олиш мақсадида танкили санъат намоёндаларидан иборат ҳайратанг аъзолари иш-

МАКТАБГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Фарзанд тарбиясида мактаб асосий ўрин тутади. Илк сабоқни ҳам, одоб-ахлоқни ҳам мактабда ўрганишимиз. Устозларнинг меҳру муҳаббати туғайли бола билим эгаллайди, қомиллик йўлида интилади.

Мактаб таълимидаги бундай вазида Истиқлол йилларида улугвор моҳият касб этди. Президентимиз ташаббуси билан умумий ўрта таълим тизимида тубдан бурилиш эсалди. Хусусан, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мантиқий давоми бўлиши «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Президент Фармони асосида юртимизнинг нафақат марказий жойларида, шу билан бирга, энг чека кишлоқларида ҳам замонавий, кўз кўрсатқувчи мактаблар бунёд этилди.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида умуммиллий дастурнинг якунлари ҳамда янги ўқув йилидаги долзарб вазибалар муҳокамасига бағишланган йилида ана шулар хусусида сўз борди. Республика Халқ таълими вазири Гайрат Шоумаров бошқари ушбу анжуманда Истиқлол йилларида Юртошимиз раҳнамолигида таълим тизимига қаратилган эътибор замирида фарзандларимизни қомил инсон қилиб тарбиялаш асосий мақсад эканлиги алоҳида таъкидланди.

Дастурда мактаб таълимини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича изчил ислохотлар белгиланган эди. Яъни, 2004-2009

йилларда 3 миллион 12 минг ўқувчи ўринли 8500 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, 116640 ўқувчи мўлжалланган 351 та янги мактаб биноси қурилди, 850951 ўқувчи ўринли 2470 та мактаб биноси мукамал таъмирланди. 2044582 ўқувчи ўринли 3607 та мак-

табнинг бино ва иншоотлари мукамал ҳамда 2072 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилди.

Фахрланасак арзийдики, умуммиллий дастурда мактаб биноларини ангилаш ва таъмирлашдан ташқари, уларни ўқув жиҳозлари, компьютер технологиялари, дарсликлар билан таъминлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда мактабларда спорт базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам қамраб олинган. Бу борада ҳам ибратли ишлар амалга этга таъкид этилди. Масалан, таълим мазмунини белгилувчи Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг тақомиллаштирилган мубоҳили ишлаб чиқиби, 2004-2009 йилларда босқичма-босқич таъриба-синовдан ўтказилди. Умумтаълим фанлари бўйича мавжуд Давлат таълим стандартлари янгидан тахрир қилиниб, ўқув дастурлари модерниза-

ция қилинди. Қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ тили ва адабиёти, 8-синфларда рус адабиёти, 4 ва 8-синфларда меҳнат таълимининг 5 та йўналиши, 5-7 синфларда информатика фанларидан Давлат таълим стандартлари янгидан яратилди.

Давлат дастури доирасида, шунингдек, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ва Халқ таълими вазирилик хўзурдаги Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси томонидан 1736 та мактабда спорт заллари қурилди ва мавжудлари таъмирланди. Эътиборли томони шундаки, ушбу ислохотлар самараси ўлароқ, ўқувчиларимизнинг халқаро ва республика миқёсидаги мусобақаларда иштироки ва ютуқларга эришишига кенг имконият яратилди.

Мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган бу ислохотлар келажакимиз ворисларининг илму маърифатда етук инсон бўлиб улғайишларига хизмат қилади. Зеро, «Мактабга эътибор — келажакка эътибор» широи остида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг барчаси Президентимиз айтганларидек: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт»лигига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

NEW HOLLAND TL5060. Маълумот сертификатланган. FIAT GROUP. NEW HOLLAND AGRICULTURE. Сизнинг муваффақиятингиз — бизнинг вазибамиз.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 35388 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълолар 236-09-25. ISSN 2010-8788.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ КОТИБ — Ю. ҲАМИДОВ. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — А. БОЛБЕКОВ. НАВБАТЧИ — М. ОХУНОВА. МУСАҲҲИХ — Ҳ. ТОШҲУҲАЕВ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25. Тошпирилди — 23.30. 1 2 3 4 5